



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 28 » июль

№ ПҚ–243

Тошкент шаҳридаги Инха университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–357-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Тошкент шаҳридаги Инха университети бошқаруви самарадорлигини янада ошириш орқали унинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент шаҳридаги Инха университетининг Васийлик кенгаши, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент шаҳридаги Инха университети (кейинги ўринларда – Университет)ни ташкил этиш бўйича **идоралараро комиссияни** унинг Университетда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш учун малакали профессор-ўқитувчиларни, шу жумладан чет эллик мутахассисларни жалб этиш вазифасини **Университетга** ҳамда ҳар ўқув йилида Университетга қабул квоталарини белгилаш вазифасини Университетнинг **Васийлик кенгашига ўтказган ҳолда тугатиш;**

Университетнинг Инха университети (Корея Республикаси) таълим дастурлари бўйича таълим олган битирувчиларига белгиланган намунадаги Инха университети (Корея Республикаси) дипломини ҳамда Инха университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда Университет томонидан ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим олган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган белгиланган намунадаги дипломни бериш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 мартдаги “Тошкент шаҳрида Инха Университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2155-сон қарорига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

3. Рақамли технологиялар вазирлиги икки ой муддатда Инха университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда Университетнинг таъсис ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 мартдаги
“Тошкент шаҳрида Инха Университетини ташкил этиш тўғрисида”ги
ПҚ–2155-сон қарорига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Университетда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш учун малакали профессор-ўқитувчиларни, шу жумладан чет эллик мутахассисларни жалб этиш”.

2. 3-бандда:

бешинчи хатбошидан “кундузги шаклда” сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Университетнинг Инха университети (Корея Республикаси) таълим дастурлари бўйича таълим олган битирувчиларига белгиланган намунадаги Инха университети (Корея Республикаси) дипломини ҳамда Инха университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда Университет томонидан ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим олган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган белгиланган намунадаги диплом берилади”.

3. 6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Тошкент шаҳридаги Инха университетининг Васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

Ш.Х. Шерматов	– Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири, <i>Васийлик кенгаши раиси</i>
К.Х. Каримов	– Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари, <i>Васийлик кенгаши раиси ўринбосари</i>
А.Р. Каримов	– Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
Р.О. Каримжонов	– Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири ўринбосари
Ш.Ш. Усманов	– Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси директори
Н.Н. Хасанов	– “Ўзбектелеком” АК бошқаруви раиси
М.М. Джалалов	– Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори, <i>Васийлик кенгаши котиби</i>

Изоҳ: Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган шахслар кенгаш таркибига киритилади”.

5. 3 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 28 » июля

№ПП–243

О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Университета Инха в городе Ташкенте

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 22 августа 2022 года № ПП–357 «О мерах по поднятию на новый уровень сферы информационно-коммуникационных технологий в 2022–2023 годах», а также в целях обеспечения качественной деятельности Университета Инха в городе Ташкенте путем дальнейшего повышения эффективности его управления:

1. Согласиться с предложениями Попечительского совета Университета Инха в городе Ташкенте, Министерства цифровых технологий и Министерства высшего образования, науки и инноваций:

об упразднении Межведомственной комиссии по созданию Университета Инха в городе Ташкенте (далее – Университет) с передачей ее задач Университету по привлечению квалифицированных профессоров и преподавателей, в том числе иностранных специалистов, для организации учебного процесса и преподавания в Университете, а также Попечительскому совету Университета – по определению квот приема в Университет в каждом учебном году;

о выдаче выпускникам Университета, получившим образование по образовательным программам Университета Инха (Республика Корея), диплома Университета Инха (Республика Корея) установленного образца, а выпускникам, получившим образование по образовательным программам, разработанным Университетом по согласованию с Университетом Инха (Республика Корея), диплома установленного образца, признаваемого документом о высшем образовании в Республике Узбекистан.

2. Внести дополнение и изменения в постановление Президента Республики Узбекистан от 24 марта 2014 года № ПП–2155 «О создании Университета Инха в городе Ташкенте», согласно приложению.

3. Министерству цифровых технологий по согласованию Университетом Инха (Республика Корея) в двухмесячный срок обеспечить пересмотр и государственную регистрацию учредительской документации Университета в порядке, установленном законодательством.

4. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и советника Президента Республики Узбекистан Абдурахманова О.К.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

**Дополнение и изменения, вносимые в постановление
Президента Республики Узбекистан от 24 марта 2014 года № ПП–2155
«О создании Университета Инха в городе Ташкенте»**

1. Пункт 2 дополнить абзацем следующего содержания:

«привлечение квалифицированных профессоров и преподавателей, в том числе иностранных специалистов, для организации учебного процесса и преподавания в Университете».

2. В пункте 3:

в абзаце пятом слова «по очной форме обучения» исключить;

абзац шестой изложить в следующей редакции:

«Выпускникам Университета, получившим образование по образовательным программам Университета Инха (Республика Корея), выдается диплом Университета Инха (Республика Корея) установленного образца, а выпускникам, получившим образование по образовательным программам, разработанным Университетом по согласованию с Университетом Инха (Республика Корея), выдается диплом установленного образца, признаваемый документом о высшем образовании в Республике Узбекистан»;

3. Пункты 6 и 7 признать утратившими силу.

4. Текст приложения № 2 изложить в следующей редакции:

«СОСТАВ

Попечительского совета Университета Инха в г.Ташкенте

Шерматов Ш.Х.	– министр цифровых технологий Республики Узбекистан, <i>председатель Попечительского совета</i>
Каримов К.Х.	– первый заместитель министра высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан, <i>заместитель председателя Попечительского совета</i>
Каримов А.Р.	– заместитель министра экономики и финансов Республики Узбекистан
Каримжонов Р.О.	– заместитель министра цифровых технологий Республики Узбекистан
Усманов Ш.Ш.	– директор Фонда развития цифровых технологий
Хасанов Н.Н.	– председатель правления АК «Узбектелеком»
Джалалов М.М.	– ректор Университета Инха в Ташкенте, <i>секретарь Попечительского совета</i>

Примечание: при переходе членов Попечительского совета на другую работу в его состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций».

5. Приложения №№ 3 и 4 признать утратившими силу.

